



«Ўзстандарт» агентлигининг сифат бўйича эксперт-аудиторларни баҳолаш
Аттестация Кенгашининг
ҚАРОРИ

2016 у. «30» август даги АТ-10-sonli

O'zDSt 5.9:2014 "Эксперт-аудиторларга Талаблар, тайёрлаш ва баҳолаш" Давлат стандартининг 10.1-бандига ҳамда "Garant Sifat Standart" МЧЖ сертификатлаштириш идораси томонидан маҳсулотларни сертификатлаштиришда йўл қўйилган камчиликларга асосан, Аттестация Кенгаши қарор қилади:

1. "Garant Sifat Standart" МЧЖ электротехника маҳсулотларини сертификатлаштириш идораси мутахассиси Ш.А.Рахимовнинг (2016 йил 8 январда давлат реестрига UZ.SMT.08.SMI.765-сон билан рўйхатга олинган) эксперт-аудиторлик унвони бекор қилинсин.

2. Аттестация Кенгаши котиби (У.Хакимов)га:

Ш.А.Рахимов эксперт-аудиторлар Давлат реестридан чиқарилсин ва ушбу қарор билан юқорида номи кўрсатилган мутахассислар 3 кун ичида таништирилсин;

ушбу Қарор рўйхатдан ўтказилган кундан сўнг 1 кун ичида "Ўзстандарт" агентлигининг веб-сайтига жойлаштирилсин.

3. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Мувофиқликни тасдиқлаш соҳасидаги техника сиёсати ва сифат тизимларини жорий этиш бошқармаси бошлиғи О.Тохиров зиммасига юклансин.

Бош директор
ўринбосари

Ж. Мирсаидов